



## ТОШЛОҚДА ОТЛИҚ МИЛИЦИЯ

Анча замондан бери тулпорлар туғининг зарби кўчаларда тиниб қолганди. Бу вафодор жониворларнинг исонга қанчалар катта қўмак бериши ҳақида ўйлашни ҳам унутайсан эдик. Мана бугун ички ишлар ходимларига тўрт оёқли хосиятли йўлдошлари қайтарилди. Чунки участка вакиллари тиним билмай қишлоқма-қийлоқ, маҳаллама-маҳалла кезишлари ўзига тегишли ҳудуднинг ҳар бир бурчагига қадам ранжиди қилишлари шарт. Куннинг хоҳлаган пайтида, қор-ёмғирга қарамасдан ёрдамга муҳтож кишиларга мададкор бўлишга интилишда, жамоат мулкига кўз олайтирувчиларга, умуман ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашдек машаққатли вазифаларни бажаришда отлар бундан буён уларга ҳамнасон ишончли ҳамроҳ бўлади.

Ҳинда Тошлоқ туманида ҳам Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг 1990 йил 10 февралдаги «Гражданининг хавфсизлиги ва жамоат тартибини бузилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан от-



лиқ взвод ташкил этилди. Бунинг учун ички ишлар бўлими жамоа ҳужалиқларидан еттига от сотиб олди. Бундан ташқари участка вакиллари ва вояга етмаган ёшлар билан ишловчи инспекция ходимларига ҳам жамоа ҳужалиқлари томонидан биттадан от бириктириб қўйилди. Натжида шу йилнинг иккинчи ойи мобайнида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фюзга камайишига эришил-

ди. Бу ишда, албатта, тулпорларнинг милиция ходимларига катта ёрдами тегишди.

**М. МАЪРУФЖОНОВ**,  
Тошлоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

**СУРАТДА:** отлиқ милиционерлар (чапдан) Анваржон Мўминов ва Толибжон Қозимов Тошлоқ кўчаларини назорат қилиб юрибди.  
А. Қосимов олган сурат.

## ТЎРТТИНЧИСИ УШЛАНДИ

1991 йил 5 январь кuni тоғтарда Тошкент шаҳридаги тергов қамоқхонасидан беш нафар айбланувчи қочгани ва бири-кетини улардан уч нафари ушлангани ҳақида хабар бергандик. 3 апрель кuni тунги соат учларда қочқарларнинг тўрттинчиси — қотилликда айбланган Асатулло Султонов ушланди.

1 апрель кuni Бектемир тумани ИИБга у Урта Чирчиқ тумани ҳудудида яшриниб юрганлиги ҳақида хабар келди. ИИБ бошлиғи милиция майори Нурмат Тожибоев бошчилигида тузилган оператив гуруҳ бутуниттифоқ қидирувдаги ўта хавфли жиноятчини қўлга олиш

тадбирини моҳирлик билан ўтказди.

Пистирмада ўтказилган кеча бекор кетмади. Бироқ ярим тунда «Бинокор» посёлкасидаги Қурувчилар кўчасида жойлашган уйлардан бирга жазмани билан келган А. Султонов таслим бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмади. У пичоқ билан милиция ходимига ташланди. Тўлпончадан узилган ўқ оёғидан яралагач, қаршилик кўрсатиш бефойдалигини англади. Энди очикда қочқарларнинг сўнгисини — аёл киши ва унинг болаларини ўлдиришда айбланган Равшан Бўриев қолди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

## ҚОЗИ ҲАМ ОТИГА МИНСА...

Тун яримдан оғиб қолганди. Навоий шаҳридаги Ленинград кўчасида эл тинчини қўриқлаётган милиция ходимлари «ВАЗ-21013» белгили И 0110 СН рақамли машинани тўхтатишди. Рулини «Ширкатсавдоси» қассоби 22 ёшли У. Солиев бошқариб бораётган автомобиль ичда кўринишидан маст ҳолатдаги 6 киши ўтирарди.

Ҳайдовчи талаб қилинган ҳужжатни кўрсатиш учун ДАН ходимларига яқинлашганда, унинг ҳаммаси 27 ёшли С. Нормухамедов машинани ҳайдаб кетмоқчи бўлди. Кўрилган чоралар туфайли у тўхтатилганда жисмоний қаршилик кўрсатиб, ДАНга тегишли хизмат «Жигулси» пешойнасини чилпарчин қилди.

Шериклари эса ёлғиз қолган ДАН ходими Э. Қўшатовга нисбатан ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этишди. Улардан бири инспекторга ақинлашиб, кўкрак нишонини юлқиб олди. Жаҳл ўтида ёнаётган бу савлатли киши ўзини тил олмасдан инспектор бўйинини ҳам тирнаб ташлади. Тунги ширакөйлар вазожати хунуқлигини сезган Э. Қўшатов ҳавога иккита оғоҳлантирувчи ўқ узишга мажбур бўлди.

Қизғини шундаки, ДАН ходимига тажовуз қилган, мастлигини ҳужжатларда акс эттирган шифокорлар бошига қора кунлар солишини айтган киши Навоий шаҳар халқ судьяси Д. Хусанов бўлиб чиқди. Ҳазаб отига минса, адолат тарозисини қўлида тутган қозининг оддий ҳуқуқбузардан фарқи қолмас экан. Фақат омилар билиб-билмай қонун юзига оёқ қўйишди.

Ғ. ЖУРАЕВ.

Абдураҳмон уйига келганда соат миллари тунги бирдан ошган оила аъзолари ширин уйқуга кетишганди. У фарзандларини уйғотиб юбормаслик учун оҳиста қадам ташлаб ичкарига кирди. Лекин барибир бўлмади.

— Келдингизми, дадаси, — дея Хосиятхон бошини кўтарди. — Бугун шўрва пиширганим, ҳозир иситиб келаман.

учун уэр сўради. Кейин мақсадга кўчди.

— Ҳамза номли давлат ҳўжалигидаги Навоий кўчаси, 59-уйдан бир бош қўй ўғирланган. Йигитлар йўлга чиқайти. Улар етиб боргунча...

Абдураҳмон воқеа жойига етиб борса, уй эгаси милиция ходимларини бетоқатлик билан кутиб турарди. Участка вакили аввал ҳов-

## ТУНДА ҲАМ ТИНЧЛИК ЙЎҚ

— Майли, қўявер, қорним унчалик оч эмас. Лекин-жуда чарчадим.

— Ишингиз ҳам бор бўлсин. Иқболой сизни жуда соғиниб қолган. Эрталаб ухлаб ётганида уйдан чиқиб кетасиз, ухлаб ётганида кириб келасиз.

— Нима қилай, онаси, ишим шунақа. Майли, бир оз дам олайлик энди...

Ҳа деганда ухлай олмади. Кун давомида рўй берган бир неча тартибузарликлар, ўғирлик бўйича юз берган, ҳанузгача очилмаётган иккита жиноят ҳаёлини олиб қочди. Айниқса, Намуна участкасида ўтказилган учрашувда айтилган танқидий фикрлар унинг қулоғи остида қайта-қайта жарангларди.

Ана шундай фикрлар исканжасидан қачон қутилди-ю, қачон кўзи илғиди, эслолмади, яна телефон қўнғиротиқдан уйғониб кетди.

— Алло, Абдураҳмон ака, сизмисиз? — ИИБ навбатчиси бевақт безовта қилгани

лини, кейин қўй боқилдиган жойни кўздан кечирди. Ўғридан қолган излар унинг катта ёшдаги одам эканлигидан далolat берарди. Кўп ўтмай ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани О. Тўхтаинов раҳбарлигидаги оператив гуруҳ ҳам етиб келди. Абдураҳмон уларга биринчи суриштирув натижалари ҳақида ахборот берди. Кейин ўз режаларини айтди. Шундай қилиб, тунда бошланган қидирув ишларига эрталаб хотима ясалди. 1952 йилда туғилган, ондали, шу жамоа ҳўжалигининг қурлиши бўлимида ишлайдиган Мирзоалим Маҳмурдов қўлга олинди. Қўй эса эгасига қайтарилди.

Тун бўйи уйқудан қолиб, тунни бедор ўтказган участка вакили Абдураҳмон Холқиқов уйига эмас, тўғри иш кабинетига йўл олди. Чунки уни навбатдаги ариза ва шикоятлар кутарди.

**МУҲАММАДЖОН ЮНУСОВ**,  
Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.

## СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

# ГИРДОБ

Жиноятчиликка қарши ДХҚ, ИИВ, суд ва прокуратура идоралари мунтазам кураш олиб бормоқда. Қонунларимиз давр тақозосига кўра такомиллаштирилмоқда. Лекин минбаъд жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга эришилмайпти. Ҳўш, сабаб нима?

Агар таъбир жоиз бўлса, жамиятни улкан денгизга, қамоқхоналарни эса гирдобга қийс қилган бўлардим. Ҳамма гап ана шунда. Чунки бу гирдоб ахлоқ тузатиш муассасаси деб аталсада, галвасиз даромад келтирувчи манбадан ўзга нарса эмас. У ерда маҳбусларни фақат ишлатишга ҳаракат қилинади, тарбиялаш эса шунчалик қуруқ гапдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун ҳам ҳўкм қилинган жазо муддатини ўтаб чиққан шахснинг кўнгли такрор жиноят қилишга тусайди.

Демак, жиноятчиликнинг илдизи ўша қамоқхоналарда, жамиятдаги кўринишлари

эса унинг шоҳлари, холос. Бу шоҳларни ҳар қанча кессанг ҳам, янгиси ўсиб чиқаради. Гуёки афсонавий қирқ бошли аждарга ўхшайди. Унинг томирини қуриштириш керак. Бунинг учун ахлоқ тузатиш муассасаларидаги услубни бутунлай ислоҳ қилишга тўғри келади. Келинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳўқуқлари декларациясига бир назар ташлайлик. Унда айтилишича, маҳбусларнинг иш фаолияти давлат манфаати йўлида эмас, балки уни жамиятга тўғри фикрли, тўғри йўлни топиб олган инсон сифатида қайтишига хизмат қилиши зарур.

Мамлакатимизда ҳўқуқий давлат қуриш учун кураш жараёнида маҳбусларга бир мунча энгилликлар беришга ҳаракат қилинмоқда. Уларга берилётган овқат сифати бирмунча яхшиланди. Бошқа аҳамиятли ўзгариш сезилмайпти. Энг муҳими маҳбуслар ақл-идроқи, тажрибаси ва

имкониятига қараб иш билан таъминланмайти. Шу сабабли бўйсундириш, мажбур қилиш каби эскирган усуллар ҳамон яшаб келаяпти.

Менинг таклифим бундай: энг аввало маҳбус иложи борича истак-хоҳишига қараб, фойдали меҳнат билан таъминлансин. Керак бўлса унга ойлик маош тўлаш ва ҳатто унинг меҳнатга кўнимасини рағбатлантириш лозим. У даромадини меҳнат туфайли топаётганини ҳис қилсин. Шундагина жазо муддатини ўтаб чиққандан кейин қайтдан тўғри йўл топиб олади.

Қолаверса маҳбусларни қайта тарбиялашдаги муваффақият ахлоқ тузатиш муассасалари ходимлари муносабатига боғлиқ. Агар ўша ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитларига чин дилдан эътибор берилса, улар бутун қобилиятларини ва маҳоратларини маҳбусларни тарбиялаш йўлида сафарбар этадилар.

Бу ишларга фақат панжа орасидан қараш мавжуд экан, жамиятни хавф-хатардан муҳофаза этиш энг долзарб муаммо бўлиб қолаверади.

Т. ТўЛАГАНОВ.

# ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Январь ойнинг ўрталари. Тошкент тумани ИИБ навбатчилик қисмига кимдир сим қоқди. 15 январга ўтар кечаси Фишкўприкдаги «Наргиз» қаҳвахонаси ичида жойлашган видеосалонга ўғри тушибди. 1 та «Радуга» рангли телевизор, 2 та 598 сўмлик овоз кучайтиргич, майда-чуйда нарсалар, жами 1490 сўмлик буюмлар ғойиб бўлган.

Дарҳол оператив гуруҳ оёққа турди. Тергов бўлини маси терговчиси, милиция катта лейтенанти Ботир Пулатов, участка катта инспектори, милиция майори Исмоил Файзиев, жиноят қидирув бўлини маси ходими, милиция капитани Абдумутал Сулаймонов воқеа содир бўлган жой билан танишдилар, видеосалон хизматчилари билан суҳбат ўтказдилар.

Энди навбатдаги муаммо ўғрини топиш эди. Ун кун ичида у ушланди.

Текинтомоқ бу шахс 1965 йилда туғилган, Чимкент вилояти Сариеғоч туманининг Полторацкий қишлоғи худуд

дадаги Абай кўчаси, 21-ўйда истиқомат қилувчи Ҳасанхон Ойдин ўғли Азизов бўлиб чиқди.

Терговчи Ботир Пулатовнинг сабр-тоқат билан излашиши натижасида Ҳасанхоннинг бундан олдин ҳам қатор ўғирликлар қилгани аниқланди.

Саёқ юришга ўрганиб қолган, ҳаром пуллар оғушида маст-аласт бўлиб юрган Ҳасанхон Азизов 1990 йилнинг 24 июлидан 25 июлига ўтар кечаси Фишкўприк посёлкасидаги 3-воситачи дўконга ўғирликка тушиб, «Санио» магнитофонини (1 минг 60 сўм), 270 сўм турадиган қулоққа тутиб эшитувчи магнитофон-наушникни, электроника соатларидан бир нечасини, ҳар хил газлама материалларни олиб чиқиб кетди. Буларнинг ҳаммаси пулга чақилса, 2 минг 715 сўмни ташкил этади. Сейфни бузиб, 6 минг нақд пулни ўмарини ҳам эсдан чиқармади.

Бир ой ўтар-ўтмас, шериги Ихтиёр Жабатов билан яна Фишкўприкдаги «Маданий



моллар» дўкони омборининг томини тешиб пахта тушишадан ва у ердан 4 та магнитофон, 1 та электроника соати, умумий суммаси 1120 сўмлик буюм ўғирлашди.

16 сентябрга ўтар кечаси икки оғайни яна 3-воситачи дўконга кўз олайтиришадан ва бу ердан 8 минг сўм пулни олпа-осонликча олиб чўнтакка уришадан ҳамда 4495 сўмлик турли буюмларни ўраб-чирмаб жуфтатки ростлашди.

Сариеғоч тумани газлаштириш идорасининг ходими Ҳасанхон Азизовнинг хонадонидан тергов бўлини маси ходимлари бўлишганда, у 8 минг сўм пулни олиб берди. «Ра-

дуга» рангли телевизор ҳам топилди. Қолган пулларни юқорида тилга олган оғайниси билан ҳам қилиб юборибди, буюмларни эса «Отчопар» бозоридан пуллашган.

Бугунги кунда Ихтиёр Жабатов қидирилмоқда. Текшириш ишлари давом этапти. Яқин ўртада икки ажралмас дўст одил суд олдида жавоб беришса ажаб эмас.

Шуни айтадиларда, «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деб.

**Ҳабиб ШУКУР.**  
СУРАТДА: [чапдан иккинчи] Ҳасанхон Ойдин ўғли Азизов.

# АЯНЧЛИ САФАР

Мана бир неча йилдирки, гиёҳвандликка қарши кураш кучайтирилган. Бу фурсат ичида кўплаб оғу экилган майдон аниқланиб, йўқ қилинди. Уни етиштирувчилар, сотувчилар, истеъмол қилувчилар тегишли жазоларга тортилишди, айримлари давлат муассасаларига ётқизилди. Ҳатто ариқлар бўйида, экинзорлар четида ўз ҳолча ўсиб унадиган ёввойи наشا, бангидевона кабилар ҳам илди-зи билан кўпорилмоқда.

Аммо шунга қарамай, ҳамон айрим нопок кимсалар уни истеъмол қилишдан, ҳануз мўмай даромад кетидан қувиб, яширинча етиштириш ва сотишдан ўзларини тиймаётдилар. «Қинғир ишнинг қийини қирқ йилда ҳам чиқади», «Текин тешиб чиқар» каби азалдан халқ оғзида юрган ибораларнинг маъини қақиб кўрмай бу ишларга қўл урмоқдалар. Гиёҳвандлик тўрига биллиб, билмай илиниб, на ёш умрларини, на бошқа нарсаларини аяшмоқда.

Агарда ҳаётда бир мартагина яшаб, бир маротабагина йигирма уч ёшга тўлишини маънан ҳам қилганида эди, Мустафо ҳам 1990 йилнинг 2 декабрида Китоб шаҳар автобекетида номаълум кимса тақлиф қилган 835,5 граммлик марихуанани 1200 сўмга сотиб олмаган бўларди.

Улжани осон қўлга киритган Мустафо тарихий обдаларни зиёрат қилиш учунми ёки олди-сотдини пишитиш учунми, ҳар қалай қандайдир мақсадда Самарқанд шаҳрига йўл олди. «Москвич-412» автомашинасини бошқариб бораётган М. Ҳасановдан элтиб қўйишни илтимос қилди. Бироқ Қрим вилоятининг Белогорск шаҳридан ташриф бўлган меҳмонга Самарқандни зиёрат қилиш насиб этмади.

ДАН карантин постида елиб бораётган автомашинани тўхтатган милиция ходимлари диққатини «саёҳатчининг қўлидаги илхос билан ўралган қопча тортиди.

Қопча ичидаги нарсанинг нималиги суд-кимёвий экспертизаси томонидан аниқлангач, М. Туваклиев ер чизиб қолди.

1968 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламай, пул топишининг ана шундай қинғир йўлини танлаган Мустафонинг Қримдан Самарқандга сафари хосиятсиз тугади.

**М. ИСРОИЛОВА.**



Учқўрғон туман ички ишлар бўлимида ўз вазифасини сиқидилдан бажараётган милиционерлар аначина. Туман ИИБ навбатчилик қисмининг катта инспектори, милиция капитани Исроилжон Бадалов ана шундайлардан. У деяр-

ли ўн йилдан бери ўз касбини ардоқлаб келмоқда.  
СУРАТДА: И. Бадалов навбатчи ёрдамчиси, милиция старшинаси Адҳам Эргашев билан ҳозиргина олинган хабарни кўздан кечирмоқда.

Сураткаш  
Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

# Жазосиз қолмайди

Ҳурматли муҳарририят! Рўзномангизнинг шу йил 12 март сонидан босилган «Онамга ачинаман» номли мақоласини ўқиб қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим. Мен Андижон пойфзал ишлаб чиқариш бирлашмасида 31 йилдан буён меҳнат қилиш билан бирга шаҳар халқ судида маслаҳатчиман.

Мақоладаги Абдурахмон Жавлоновнинг қора курсиде ўтиришига бир жиҳатдан болаларининг ҳам таъсири бор. Чунки, улар оиланинг даро-

мадига қараб иш туттишганда, оталаридан қимматбаҳо нарсаларни ҳадеб талаб қилишавермаганида, эҳтимол бундай бўлмасдими?

Яна бир томондан, 52 ёшга кириб ҳаётда кўп нарсаларни кўрган, тажрибаси бор одамнинг бу қинғир иши ҳеч ақлга сиймайди.

Энди болалари оталарини 10 йил кўрмайди.

Узгаларнинг кийган кийими, бойлигига ҳавасу ҳасад мана нимага олиб келди.  
**Уктажон ҲОЛИҚОВ.**

# ИШ УНУМИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда жиноятчилик кўпайиб кетмоқда. Айниқса, давлат ва аҳолининг шахсий мол-мулкни ўғирлаш кенг тус олиб бормоқда. Бундай жиноятлар спиртли ичимликлар таъсири остида содир этилаётгани ташвишлидир.

Жиноятлар ортгани сарининг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. 1990 йилда шу даврга қадар қайд этилмаган босқинчилик Сирдарё туманида ҳам пайдо бўлди.

Ўтган йили туманда 560 та жиноят ҳисобга олинган. Ходимларимизнинг 5 нафари

бевосита жиноятчиликка қарши кураш билан машғулдир. Аммо 100 минг аҳолиси бўлган туман учун бу жуда камдир. Бунинг устига моддий-техника жиҳатдан ҳам таъминотимиз мақтагудек эмас. Менимча бундай муаммолар ҳар бир ички ишлар бўлимларида мавжуд. Бу камчиликлар эса ўз навбатида ишимиз самарасига салбий таъсир этмоқда. Қани эди улар тезроқ бартараф этилса-ю, ишимизнинг унуми ошса.

**Юсуф СОДИҚОВ,**  
милиция майори.

# ИШ ДАСТУРИМИЗНИ

Қайта тикланган рўзномамизнинг биринчи сони ўқувчилар қўлига етиб борганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин улардан жуда кўплаб хатлар олмақдамиз. Фикр ва мулоҳазалар баён этилган бу мактублар эса бизнинг иш дастуримиз бўлмоқда. Шундай хатлардан бирини Тошкент шаҳридан милиция майори Акмал Комилов ёзган. У рўзномамизнинг номини «Посбонликда» деб ўзгартирилса яхши бўларди, деб таклиф қилади. Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси 16-қисм назоратчиси, ички хизмат лейтенанти Музаффар Қосимов эса рўзнома саҳифаларида «Тилсиз ёв» деб аталувчи оловни даф этишда алоҳида ўрнатилган курсатган ходимлар ҳақида кўпроқ мақола ва хабарлар бериб боришимизни сўрайди. Биз келгусида, албатта, бундай таклиф ва истакларни инобатга оламиз.

Баъзи фуқаролар эса адолатсизликдан жабр кўрганликлари тўғрисида бизга ёзиб, ёрдам беришимизни илтимос қилдилар. Бу маз-

мундаги хатларни биринчи навбатда кўриб чиқамиз. Рўзноманинг ҳар бир танқидий чиқиши тегишли жойларда текшириб чиқилади ва чора кўрилади. Муҳарририят эса бу ишни охиригача назорат қилиб боради. Бу борада бир мунча натижаларга ҳам эришдик.

Қалб туғёнлари ғиёфа этилган хатларни ўқиган киши милиция билан халқнинг дарду ҳасратлари ва мақсади бирлигини билиб олади, жиноятчиликка қарши курашда эса фуқароларнинг фаоллиги ошиб бораётганилиги, уларнинг ҳар қадамда ички ишлар ходимларига хайрихоҳ эканликларини сезилиб турибди. Фарғона туманидаги Усмон Юсупов қишлоқ Шўроси худудидан яшовчи М. Раҳмонов муҳарририятимизга йўллаган мактубида дил туғёнларини шундай изҳор қилади: «... 19 февраль кунини «Поста» рўзномасида эълон қилинган «Тўқнашув» номли мақолани ўқиб, жуда хафа бўлдим, милиция катта сержанти Маҳаматжон Ғиёсовни қанчадан-қанча орзулари пучга

чиқибди. Унинг қотилига қандай жазо берилишини ёзинглар, албатта. У олий жазога лойиқ». Қўлимизда бундай мактублар кўп. Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими М. Ғиёсовнинг аччиқ қисмати ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмади. Айбдорга аталган суд ҳукми ҳам тез кунлар ичида ўқилса ажаб эмас.

Урганч шаҳар 3-микрорайонда яшовчи Акмал Шермаатов эса хатида ўз фикрини қуйидагича ифодалайди: «Поста» рўзномасида жиноят содир қилиб келаётган безори, ишқамас кимсаларни қўлга олишда хизмат кўрсатган милиция ходимлари тўғрисидаги хабарларни ўқидим. Ғўёки улар ўз вазифаларини ҳалол бажариб келаётгандай туюлади. Бирор-бир камчилик тўғрисида сўз юритилмаган. Менимча, шу рўзномада милиция ходимларининг камчилиги ёки

ўз манфаатларини амалга ошириш учун фуқаролар ҳуқуқини паймол қилиб, қонунбузарлик қилишадигани ҳақида ҳам маълумот берилса, ўринли бўлар эди».

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, рўзномани мунтазам ўқиб борувчилар «Ойнадан ўпқалама», «Ҳодиса низдан» ойнасузлари остида ички ишлар ходимлари танқид қилинган материаллар билан танишлар. А. Шермаатов фикрининг давом эттирар экан, номаълум участка вакили ҳақида мисол келтириб шундай дейди: «Бир аёл участка вакилининг ҳузурига келиб, эрининг безорилигидан шикоят қилади ва чора кўришини сўрайди. Вақил эса унга жавобан «Яхши, мен уни 15 кунга қаматаман, лекин у қутулиб чиққунга қадар мен сизни қиға бориб тураман», дейди. Эҳтиросларга берилиб кетган рўзномасевар бун-

дан ташқари яна бир қанча ВХСС вакиллари ва раҳбарларни порахўр, қаллобликда айблаётди. Афсуски, аниқ далилларга таянмаган бу хат асосида биз текшириш ўтказа олмадик.

Участка вакиллари ва бошқа хизмат ходимлари вақти-вақти билан аҳоли оғушида ҳисобот бериб турадилар. Бордию ўша худуд фуқаролари бирор мансабдор шахсни ўз ишига нолойиқ, деб ҳисобласалар, бу раҳбарият томонидан инобатга олинади. Эътирозлари бўлган кишилар ўз фикрларини бизга ҳам ёзиб юборишлари мумкин.

Милиция ходимлари сафида тасодифий кишилар нопок ва ўз ишига лаёқатсизлари ҳам топилади. Кадрлар танловини яхшилаш мақсадида Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори Рустам Абдуллаев ташаббуси билан

# НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ



Жўшқин Аму соҳилида жойлашган Хоразм ўлкасида ҳам Наврўз байрамини ўзига хос тантанаворлик билан нишонлашди. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари умумхалқ айёмига ҳар томонлама пухта тараддуд кўришди.

«Динамо» ўйингоҳида вилоят милицияси ходимлари ва уларнинг оила аъзолари йиғилишиб, қадимий янги йилимиз нашидасини сўрдилар. Ўйингоҳга қутлуг ният билан ташриф буюрганларни ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Рустам Раҳимов муборакбод этиб, даврани бошқаришни «Динамо» жамияти раиси ўринбосари ички хизмат подполковниги Рустам Султоновга топширди.

Даврабоши таклифи билан ўйингоҳ чимзорига чиққан хонанда, раққоса ва бошқа ижрочилар ўз санъатларини намойиш этишди. Хива туманидаги болалар уйининг «Радость», Урганч туманидаги «Гулдаста» дасталари бадний ҳаваскорлари, янгибозорлик Шарифбой Камолов бошчилигидаги дорбозлар ва масҳарабозларнинг чиқишлари байрам иштирокчилари кўнглини шод айлади. Айниқса, хивалик Шахло Ҳусанова,



боготлик Абдулла Тиллаев, янгибозорлик Озод ва Раҳмат Камоловларнинг ижод намуналари катта олқишлар билан қарши олинди.

Ўйин-кулгу вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари Мақсуда Оллоберганова, Хуршида Худойберганова, Саломат Эгамова, Света Жуманиёзова, Галина Глазунова, Марям опа Рўзметова, Ёқутжон Саиджоновалар тайёрлаган сумалак, палов, осма шўрва каби таомлар тортилган дастурхон атрофида кечгача давом этди.

**СУРАТЛАРДА:** байрам лаҳзалари.

Саъдулла БОБОЕВ олган суратлар.



## ЎҒРИ МАҲБУС

Бўстонлик туманининг Фрунзе жамоа ҳўжалигида яшовчи тракторчи Болтабой Норқулов оғилхонасига кирди-ю, тили келимага келмай қолди. 1200 сўмлик маъраб, оиласини сўқатиғини кўтариб турган сўғри ўз қўллари билан боғлаб қўйган жойида йўқ.

Жиноят қидирув бўлими ходими Х. Миролимовнинг гумони шу ҳўжаликда яшаб, жазо муддатини ўтаётган Х. С. га тушди. Тошкент туманида ўшланган Х. С. айбига тўла иқроп бўлди.

М. РАҲМАТБОВ,  
милиция майори.

## ОЛИБ ҚОЧАРЛАР

### УШЛАНДИ

Қўқон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-марказлаштирилган пунктининг қўлга олиш гуруҳи аъзолари, милиция сержантлари М. Ҳасанов, А. Манонов, ҳайдовчи милиционер Т. Йўлдошевлар соат тўққизларда навбатдаги текширувдан қайтишда «Новинка» дўкони ёнида катта тезликда олиб бораётган автомашинани қўришди.

Эрталабки йўриқда шаҳар спортлото кўмитасига тегишли «ВАЗ-2121» автомашинасининг ўғирланганлиги ҳақида эшитишган эди.

Фурсатни бой бермасдан радия орқали навбатчиға хабар бериб, уни кузата бошладилар. Шаҳар чеккасиға чиқишлари билан рақамсиз машинани тўхтатиб, олиб қочарларни қўлга олишди. Машина олиб қочарларига қарши жиний жавобгарлигининг кучайтирилишиға қарамай ҳеч қерда ишламайдиган В. Викторенко ва ака-ука А. ва Д. Биковлар бу ишға қўл урганлар.

20 ёшға ҳам тўлмаган ўспиринларни бундай нопок ишға қўл ургани нима мажбур қилди экан?

Мирхон МИРАҲМЕДОВ,  
милиция капитани.

## КЎМИЛМАГАН ЭГИЗАКЛАР

Тушки соат 12 ларда Учқўрғон туманидаги 4-қўриқ-пайвандлаш бошқармаси ҳудуди ёнида янги туғилган икки ўғил боланинг мурдачалари топилди.

Кўпчиликини ҳам газаб, ҳам даҳшат забтиға олди.

Милиция ходимларининг боши қотди. Қандай одам бу ишни қилди? Онаси шўрлик қай аҳволда экан? Жамоатчиликини безовталантираётган саволларға жавоб топиш мақсадида қидирув тадбирлариға энг тажрибали ходимлар жалб этилди. Уларнинг ҳара-

кати билан воқеа сабаби ойдинлашди.

Маълум бўлишича, Уш вилоятининг Жангижўл туманидаги «Қизилжардан» давлат ҳўжалиғи ҳудудида яшовчи 34 ёшли Г. Рисқулованинг ойқуни етгач, туман шифохонасига келтирилган. Аёлни кўзи кўриб, эгизак фарзанд

топган. Афсуски, болаларининг умри ниҳоятда қисқа экан. Улар кўп вақт ўтмай вафот этишди. Туман шифохонаси табиблари урф-одатға кўра кўмиш учун жасадаларни она қўлиға топширишган. Г. Рисқулова эса «ортиқча даҳмаза»дан қутилиш учун бўлса керак, уларни Шимолий Фарғона канали қирғоғида қолдириб кетган. **Ғ. БОЛТАБОВ.**

# БЕЛГИЛАЙДИ

бошқарма қошида милиционерликка номзодлар мактаби очилганлиғи ҳақида аввал хабар берган эдик. Шу вилоят ИИБ ходими, милиция майори М. Кимсанбоев бизға йўллаган хабарига ёшлардан бир гуруҳи ушбу мактабни тугаллаганлиғи ҳақида ёзади. Машгулотлар сўнгида 60 нафар номзод ўртасида танлов бўлиб, улардан 40 киши милицияда ишлашға лойиқ деб топилган.

Маълумки, маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этган шахсларнинг аксарияти туман халқ судида муҳоама қилинади. Бунинг тарбиявий аҳамияти эса кам. Шунинг учун ҳам Гулистон туман халқ суди аъзолари ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда бундай қонунбузарлар хулқини эндиликда аҳоли гавжум бўлган жойларда, кинотеатр ва бозорларда кўриб чиқиб, тегишли чора кўрмоқдалар.

Бизға бу ҳақда Гулистон тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Ғ. Болтабоев ёзган эди.

Милиция ходимларини замонавий техникалар билан таъминлаш ҳақида ҳам жуда кўп гапирляпти. Лекин бу борада қилинаётган ишлар айтарли даражада эмас. Дўстлик тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Х. Маматов бизға куюниб ёзганича бор. Чунки ҳатто оддий қўл кишани билан таъминланмаган милиционер тиш-тирноғиғача қуролланган безори билан юзма-юз келганда улар билан қандай олишсин?

Лекин жиноятчилик ва бошқа қонунбузарлик билан курашишда жиззахлик побонлар кўп ибратли ишларни амалға оширмоқдалар. Масала, фақатгина Ғалларол тумани ИИБ ходимлари ўтган йилда «Қорадори» режасини ўтказиш пайтида 467 кв. метр майдонға экил-

## ХАТЛАРГА ШАРҲ

ган кўкнори ва наша экиларини аниқлаб, йўқ қилиб ташлаганлар. Жиззах тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими оператив вакили, милиция катта лейтенанти Э. Каримов ҳам ўтган йилда шу турдаги жиноятни содир этганлардан 10 киши жавобгарликка тортилганини, Фориш тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори С. Серикбоев эса гиёҳвандликка замин яратувчи 5 нафар шахсга нисбатан жиний иш қўзғатилиб, чора кўриш учун халқ судиға юборилганини муҳарририятимизға хат орқали хабар қилдилар.

Жамиятимизға нафи тегмайдиган текинхўр дайдилар кимлар? Тошкент вилоят ИИБ 2-қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасининг ходими А. Комилов бу саволға шундай жавоб ёзади: «... Уларнинг шахси аниқланганда, ҳақиқий башаралари намоён бўлиб

қолмоқда. 42 ёшли Людмила Гвай ўз боласини ўлдириб, дарбадарликка юз тутган. 1952 йилда туғилган Салмон Хайраев эса текшириш пайтида жазодан қочиб юрган жиноятчи эканлиғи аниқланди». Бундай кимсаларку вақти келиб қонун олдида жавоб бериши аниқ, албатта. Бироқ она сути оғзидан кетмаган гўдаклар ўз уйларини тарк этиб юрганликлари учун жавобгарлик кимнинг зиммасида? ИИБ матбуот марказининг ходими, милиция капитани Қ. Муҳаммаджонов балогат ёшиға етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасида бўлиб, бундай «озод қўш»лар ҳақида олган таассуроти туфайли туғилган таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишни лозим топибди: «Ўтган йили бу даргоҳға 1864 нафар дайдилчалар келтирилган. Бу шунча ота-она ҳамда мураббийлар ўз мажбурият ва вазифаларини суистеъмол қилганлар, дегани эмасми? Ҳар бир бола учун муассасада кунига 1 сўму 80 ти-йиндан пул сарфланади. Боз устиға кўп ҳолларда бошқа

шаҳардан келиб қолган ўспиринларни уйларига милиция ходимлари олиб борадилар. Айрим болалар дайдиҳонада бир неча маротаба бўлганлар, ҳаттоки бир ойгача «меҳмон»лик туз насибасини тотишган. Энди сарфхаражатларни ҳисоблаб олаверинг, давлат ҳисобидан, албатта. Мен эса шу чиқимларни болалар ўқийдиган (аниқроғи, улар ҳўжжат топширган) мактаб ва билим юртларининг масъул мураббийлари ва ота-оналари ҳисобидан ундириб олишни таклиф қилар эдим».

Юқорида биз изоҳлаб ўтган ҳар бир мактуб муаллифлари халқ орасида яшайдилар. Бас, шундай экан, уларнинг талаб ва эътирозлари ҳам халқ сўзидир. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Фақат энг муҳими уларнинг фикрини тўғри тушуна билишдир.

Ушбу шарҳимизда фақатгина бир неча хат ва хабарлар мазмунини билан таништирдик, холос. Келгусида эса бу масалаға эътиборни алоҳида қаратамиз.

Исмомил МИНАВВАРОВ.

Хурматли муҳаррир!  
Мен Ўзбекистон ССЖ ИИБ ҳайъати нашри — «Постда» рўзномасини мунтазам ўқиб бораман. Унда жиноятчи, ўри, қаллоблар ҳақида чўчимай ёзаяспизлар, бунинг учун раҳмат. Лекин аниқлик бир оз етишмаяпти, назаримда. Жиноятчи ушландими, унинг турар-жойи, касб-кори, оилавий аҳоли, аввал судланганми-йўқми, шу ҳақда аниқ маълумот бериб борсангизлар жуда яхши бўларди. Агар ўша жиноятчиларнинг суратлари борилса, нур устига ёлнур бўларди, деб ўйлайман.

Яна бир муаммо. Баъзан бедарак йўқолаётган кишилар тўғрисида эълон берайсизлар. Шу одамлар топилаётими-йўқми, шунга ҳам билиб боришни хоҳлардим.

Сизларга ижодий баркамоллик ва сихат-саломатлик тилаб қолам.

Салом билан  
Муҳаммадали ТЕШАБОВ,  
Езёнов тумани.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ССЖнинг матбуот тўғрисидаги қонунга кўра фақат судгина айбдорлик даражасини белгилайди. Шунинг учун айрим кишилар исми-шарифларини ўзгартириб бериб бормоқдамиз.

**Чайқовчилар ушланди**

Нарх-навонинг кўтарилиши ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Кўплар рўзгор учун зарур ва нозарур бўлган нарсаларни эҳтиёт шарт тўлашга киришди. Бундан баъзи бир олғирлар фойдаланиб қолмоқдалар. Улар харидор-гир молларни яшириб, жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан келаётган «шерик»ларига ими-жимиди пулламоқдалар. Бу эса фуқароларнинг ҳақли норозилигини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун кейинги пайтда туманимиз ички ишлар бўлими милиционерлари тез-тез рейдга чиқиб, мўмай даромад кетидан қуваётганларнинг пайини қирқмоқда.

Шу йил февраль ойининг бошларида ходимларимиз темир йўлининг Ғузор шохбечатидан «Китоб-Тошкент» поездига чиқаётган фуқаролардан бир нечасини ички ишлар бўлимига олиб келишди. Бу кимсалар Тошкент вилоятининг Бўка туманида яшовчи Қ. Одилова, Р. Раҳимова, Б. Бешимовалар эканлиги аниқланди. Улар шаҳарнинг турли дўконларидан яширишча олишган 200 метрдан зиёд камёб газламаларни олиб кетишгаётган экан. Текширишда бу нафс бандлари илгари ҳам турли жойлардан арзон гаровга маҳсулот олиб, ҳамқишлоқларига юқори нархда сотганини аниқланди.

19 март кунини ўтказилган рейд пайтида эса Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи З. Ходиева (маълум сабабга кўра исм-шарифлар ўзгартириб берилмоқда) ушланди. Унинг ёнидан Хитойда ишлаб чиқарилган 24 дона кроссовка, чех сандали, 22 метр чет эл материали топилди.

Айни кунларда суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Албатта, улар билан бирга «шерик»лари ҳам қонун олдида жавоб берадилар.

**Р. НАСРИДИНОВ,**  
Ғузор тумани ички ишлар бўлимининг ВХСС катта оператив вакили, милиция майори.

вазифаси юкланди. Қотиллик бир неча ўн кун аввал содир бўлган, излар йўқолган эди. А. Акрамов Муҳитдиннинг таниш-билишлари, ёрбродарларини ўрганиб чиқди. Ҳеч ким гумон туғдирмади. Қўшни жумҳуриятлар ички ишлар идораларининг ҳам ходимлари бу ишга жалб қилинди. Қидирув боши берк кўчага кириб қолди. А. Акрамов туну кун ўтириб, бу ишга алоқадор барча ҳужжатларни қайта-қайта ўрганиб чиқди. Олинган тушунтириш хатларидаги, суҳбатлардаги ҳар бир жумла, ҳар

надан туширишиб, Алексейнинг қўлига пичоқ тутқазишди.  
— Ма, яхшилаб икки марта урасан Бизга ишончлироқ бўласан, Тагин оғзингдан гуллаб юрмагин.  
Алексей Андрейнинг қўлидан пичоқни олар экан, қўзини чирт юмиб, совиб улгурмаган жасаднинг дуч келган жойига урди. Совуқонлик билан қузатиб турган Андрей унинг ишини маъқуллар экан: «Мана энди ҳақиқий эркак бўлдинг»,— деди. Кўзларида эса қониқиб акс этарди.

**Укасини чоҳга итарган ака**

Сўнгра учаласи биргалишиб мурдани ариққа думалатишди. Машинага ўтиришди-да гумдон бўлишди.  
...Ҳамниша қоронғу тушмасдан остонада пайдо бўладиган Муҳитдиндан ҳадеганда дарак бўлавермагач, уйдагилар хавотирлана бошашди. Ҳар қалай машинада чиқиб кетган, йўл эса тасодифларга тўла. Ишқилиб бирон кор-ҳол юз бермаган бўлсинда. Ҳозир нима кўп, ёмон одамлар кўп. Уроқлари билан юганида ҳам хабарини берардику. Фурсатни бой бермай аввал онаси, хотини, кейинчалик ака-укалари, ёру биродарларидан суриштиришди. Дараги чиқмагач, туман ИИБга мурожаат қилишди.  
Мурданинг шахси аниқлангач, Тошкент вилоят ИИБ жиноят қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари милиция майори Азиз Акрамовга унинг қотилини топиш

бир сўз муфассал ўрганилди. Бироқ ҳеч қандай натижа кўринмади. Нахотки, қотиллар қонун олдида жазосиз қолишса, деган ўй унга тинчлик бермади.  
Шу йилнинг 11 январида Киров туманида уюштирилган бошқинчилик қидирув раҳбарининг диққатини тортди. А. Акрамов дарҳол бу ишни ипидан-игнасиғача ўргана бошлади. Қалаваннинг учи икки марта судланган Андрейга бориб тақалди.  
Ун йиллик жазо муддатини ўтаб, 1990 йилнинг август ойида ота-онаси ёнига қайтган Андрей бирор ишнинг бошидан тутай демади. Отаси ўғлининг тавба-тазаррусига ишониб, эски бўлса ҳам «ВАЗ-2106» автомашинасини унга совға қилди. Ўғил эса машинанинг «ўлган» эҳтиёт қисмларини янгилламоқчи бўлди. Пешона тери тўкиб, ҳалол пул топиб, янгиллаш ўрнига жиний ре-

жалар туза бошлади. Бунинг учун кўп вақт сарфламади. Ғўёки, озодликда қилинадиган ишларнинг ҳаммасини ўтирган жойидаёқ пухта ишлаб чиққандай эди. Фақат унга шерик керак. Шериклар номзодига ҳам кўп тўхталгани йўқ. Улар оёгининг остидан чиқиб қолишди.  
Шундай қилиб у ўз укаси, 1970 йилда туғилган Алексейни ва унинг ўртоғи, 1969 йилда туғилган Валерани эски машинасига чиқариб, «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида яшовчи жазманиникига олиб келди. У ерда яхшигина «отишиб» бўлгач, уларни мардлик ва қаҳрамонликка руҳлантирди. Илондай авраб, ўз режаси билан таништиргач, бажариладиган ролларни тақсимлади.

— Сен-ку жиноят нимагини, унинг бутун даҳшатини тушунасан. Бир марта эмас, икки марта ўтириб келдинг. Аммо бу ишга нега ёш ҳали ҳаётнинг паст-баландини тушунмайдиган болаларни, ҳатто ўз укасини тортдинг?  
Бу саволга Андрей сурбетларча:  
— Хоҳламаса бормасин эди,— деб жавоб берди.  
— Бу мени чуқур тааж-жубга солди,— дейди Азиз Акрамов.— Ўз манфаатлари йўлида бир қориндан талашиб тушган укасини ҳам қурбон қилишга тайёр кишиларни нима деб аташга ҳали сўз топилмаган бўлса керак. Хизматим давомида жуда кўп инсонлик қиёфасини йўқотган кимсаларни кўрдим. Аммо Андрейга ўхшаганларнинг асл номларини аташга сўз тополмайман.  
**Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,**  
«Постда» мухбири.

Қишнинг биринчи ойи. Кунлар қисқа, тунлар эса узун ва изгиринли. Шунга қарамай қўналгада одам гавжум. Ҳамма кўзлаган манзилли томон шошилади. Бу ерга келган қузатувчилар ҳам, кутиб олувчилар ҳам, шунчаки бекорчилар ҳам дуч келган йўловчи машиналарга овоз беришади.  
Четроқда уч корейс миллатига мансуб йигитлар эса фақат «06» машиналарини тўхтатишга ҳаракат қилишди. Ниҳоят бир «06» йигитлар ёнида аста тўхтади.  
— Братан, бир яхшилик қилгин, меҳмонларимнинг олдида уялтирма, Янгибозорга ташлаб ўт.  
— Йўқ, сал узоқроқ экан.  
— Ке, йўқ дема, укаларим совуқ қотиб қолишди. Яхшилигингни бир умр унутмайман.  
Ҳайдовчининг жони ачишди, 25 сўлкавоёга розилик берди. Олдинги ўриндиққа Андрей ўтирди, орқадан Валера билан Алексей жой олишди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, антиқа латифалар айтишиб, Муҳитдиннинг назарида «ажойиб йигитлар» деган таассуротни қолдиришди. «Ўзбекистон» колхозига етишганда овлоқроқ жойга буришни таклиф қилишди. Бу ерларни яхши билмаган Муҳитдин ҳам суриштирмай рулни бурди. Кимсасиз далалар бошланди. Ҳайдовчи йўлга кўзларини қадар экан, Андрейнинг орқадагиларга имлаганини сезмади. Валера ҳайдовчининг бўйинга сиртмоқ ташлаб бўга бошлади. Андрей дарҳол тормозни босиб, яшин тезлигидан пичоқ урди. Алексей ташқарига тош излагани чиқди. Тошни келтирганида Валера билан Андрей ишни саранжомлаб бўлган эди. Мурдани маши-

**ДАЙДИ НАШАВАНД**


28 март кунини Сергели туманидаги даҳалардан бирида дайдиликда шубҳаланилиб, И. Сафоншина ушланди. Узини ўта безовта тутайтган бекорчи хоним ёни тинтиб кўрилганда, 1000 грамм наша топилди.

**ЁТОҚ ХОНАДАГИ ЁНГИН**

28 март кунини тунги соат иккиларда Тошкент туманидаги Михайловка посёлкасида жойлашган Шредер номили боғдорчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ётоқхонасига ўт кетди. Соат учларда ёнғин жиловланди. Лекин хоналардан бирида 15 квадрат метр пол, мебель ва кўрпатушак ёниб, ўша ерда яшовчи боғдорчилик курси тингловчилари А. Қурбонов, Р. Мирзаев, Б. Тошмирзаевлар қаттиқ куйиб қолишди.

Табилбар томонидан кўрсатилган шошилинич муолажаларга қарамасдан оғир тан жароҳати олган А. Қурбонов ва Р. Мирзаевлар вафот этишди.

**Ғ. ТЕМИРОВ.**



Тоғлардан қор кетиб, новдалар бўртмоқда. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратли лавҳа.

**Фирибгар хонимга ишонишди**

Олтинни турлича ўмариш мумкин. Криминалистларга унинг юзлаб усуллари маълум. Лекин Мисрнинг Эл-Файюм вилоятилик ёш аёл қўллаган найрангни ҳозиргача жаҳон криминалистикаси билмасди.

Одамни эритиб юборадиган самнийлик ва оқўнғиллик билан жувон кўча-кўйда кўринишидан бадавлат кишиларни тўхтатиб, тилла буюмларини вақтинчага бериб туришни сўраган. Қанча кўп бўлса, шунча яхши бўлишини алоҳида уқтирган сулув уларни ёстиғи остига кўйиб ётиши кераклигини айтган. Фолбин ҳамқишлоғи унга шундай қилсагина бўйида бўлишини тушунтирган экан.

Кўплаб соддадил ва бировнинг ғамини чекадиган кишилар антиқа қармоққа олинаятганларини сезишмаган ҳам.

Афеуски, фан ёстиқ остидаги тилланинг кўплиги оғирроқликка қандай таъсир этишини ўрганиш имкониятидан жудо бўлди. Чунки полиция она бўлиш ниятидаги жувонни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган тилла буюмларни заргарга пуллаётганда ушлади.

«Торговая газета» дан.

**МИЛИЦИОНЕРЛАР ВА РАСМ «ШАЙДОЛАРИ»**

«СОВЕТСКАЯ КУЛЬТУРА»нинг охириги сонларидан бирида Еревандаги замонавий санъат музейидан еттита нодир сурат ўғирлангани хабар қилинган. Уғирлар 27 январга ўтар кечаси музейга кириб, таниқли расомлардан Абовян, Подпоногов ва Элибекянлар мўйқалмига мансуб расмларни ўмариб кетишганди. Мартирос Сарьяннинг уй-музейида юз

берган ўғирликдан сўнг бу воқеа содир бўлгани жамоатчиликни жиддий ташвишга солиб қўйди.  
Бироқ туман ИИБ бошлиғи Гурген Егизарян бир ой ўтмасдан музейдаги ўғирланган расмлар жойига қўйилишини ишонч билан таъкидлади.  
Ҳақиқатан ҳам 22 февраль кунини (эътибор беринг-а, ўғирлик содир бўлганидан бир ой

ўтгани йўқ) чошгоҳга яқин номаълум киши музейга кўнги-роқ қилиб, хушмуомалалик билан ўғирланган асарлар Аван қабристонига қолдирилганини билдирди.  
Шу заҳоти милиция ходимлари музей хизматчилари билан айтилган жойга қараб йўл олишди. Алдашмаган экан. Расмлар қабр тошларида буст-бутун ва тўласича турарди.  
— Биз шубҳа остидаги шахс-

лар билан тегишли иш олиб бордик,— дейди Г. Егизарян.— Уларнинг рўйхати катта. Расмни олиб чиқиб кетиш йўллари беркитилгани, божхона хизмати хабардор қилингани, оператив-қидирув тадбири кучайтирилганини тушунтирдик. Уларга мулоҳаза юритиш учун вақт бердик.  
Кўриб турганингиздек, «суҳбат» фойда берди.  
«Советская культура»дан.